O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 18 октябрь, №214 (3326) Шанба

17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, қўмита, компания, корпорация, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди. Мажлисда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 февраль ва 18 июлдаги мажлисларидаги маърузаларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик якунларига оид масалалар кўриб чиқилди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида барча соҳаларда ислоҳотларни изчил амалга ошириш натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг молия ва реал секторларида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришга, аграр секторда бозор муносабатлари ва инфратузилмани кенгайтиришга, капитал қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштиришга эришилди. Бу даврда жорий операциялар бўйича конвертацияга ва Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро валюта фонди Битим Моддаларининг VIII моддаси юзасидан шу йилнинг 15 октябридан бошлаб мажбуриятлар қабул қилинишига эришилди.

Инфляция даражаси ўтган йилнинг шу давридаги 17,4 фоиздан 0,3 фоизгача пасайтирилди. Бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 515 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу эса мамлакатимиз олтин-валюта заҳирасини янада кўпайтирди. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо товар айланмаси, пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 104 фоизга ўсди.

Бу даврда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корпоратив бошқарув услубини жорий қилиш давом эттирилди. 1 минг 29 корхона хусусийлаштирилди, 496 корхонанинг акциялар пакетлари, давлатга қарашли қарийб олти ярим минг объект сотилди. Паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш давом эттирилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ дон етиштириш ва ҳосилдорлик анча ошди. Капитал қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар муайян самара бермоқда. Институционал қайта ўзгартиришлар натижасида "Ўзбалиқ" компанияси, "Ўзпаррандасаноат" уюшмаси, "Ўзнефтмаҳсулот" компанияларининг минтақавий бошқармалари, "Бошкоммунгаз" корхонаси ва унинг "Ўзтехгаз" шўъба корхонаси тугатилди.

Қабул қилинган ижтимоий дастурлар, жумладан, "Обод маҳалла йили" дастури изчил амалга оширилмоқда. Иш ҳақи, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорининг оширилиши аҳоли пул даромадининг ўсиши, турмуш даражасининг янада яхшиланишига асос бўлди.

Афсуски, эришилган ютуқларга баъзи камчиликлар ҳамон соя солиб турибди. Иқтисодий ислоҳотларнинг айрим устувор йўналишлари ҳамда уларни чуқурлаштириш вазифалари етарли даражада бажарилмади. Давлатга қарашли паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни хусусийлаштириш ва сотишнинг ўзгарувчан тизими суст жорий этилди. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар тизимини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирлар тўла таъминланмади. Капитал қурилиш соҳасида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш чора-тадбирлари ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларини 2003-2004 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Айрим тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари томонидан аҳоли яшаш пунктларини, уй-жой фондини, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини ва ижтимоий соҳа муассасаларини 2003-2004 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш тадбирлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмагани қайд этилди. "Кўмир" акциядорлик бирлашмаси томонидан кўмир қазиб олишнинг белгиланган ҳажмлари уддаланмади. Оқибатда истеъмолчиларга кўмир етказиб бериш бюджет соҳасида 62 фоизни, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси бўйича 70 фоизни ташкил этди. Газ қувурларини мукаммал таъмирлаш ишлари топшириққа нисбатан 85 фоиз бажарилган. Сирдарё, Жиззах, Бухоро ва Тошкент вилоятларида иссиқлик тармоқларини ва қозонхоналарни таъмирлаш тугалланмаган.

Тегишли вазирлик, компания, агентлик, уюшма раҳбарлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларига зарур топшириқлар берилди. Куз-қиш мавсумига тайёргарликни шу йилнинг 1 ноябригача тугаллаш белгиланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, М.Усмонов, молия вазири М.Нурмуродов, халқ таълими вазири Р.Жўраев, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик корпорацияси раиси И.Нажмиддинов, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси раиси А.Баҳромов, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги бош директори Ў. Холмуҳамедов, Қашқадарё, Фарғона ҳамда Наманган вилоятлари ҳокимлари Н.Зайниев, А.Отабоев, Т.Жабборов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов иштирок этди.

(ЎзА).

ВАТАН ИЧРА ВАТАН



Файзулла Лутфиев Миришкор туманидаги энг илғор фермерлардан. Унинг тасарруфида ғалла ва пахтадан ташқари 103 бош қорамоли ҳам бор. Қарийб 20 гектар ерда ғўза парваришлаган фермер туманда биринчилар қаторида пахта сотиш шартномавий режасини бажарди.

СУРАТДА: фермер Файзулла Лутфиев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири.

Менинг бу жойларга келмоғим ҳам шарт, ҳам фарз. Одатдагидек, яқинда ҳам Қашқадарёга бордим. Наинки қадим дунёни, балки бугунги буюк сиймоларнинг ҳам меҳру муҳаббатини жалб қилиб турган авлиё шаҳар — «илму адаб қуббаси»га қадам қўйдиму, бобо юртим Шаҳрисабз манзараларини юксакдан туриб кузатгим келди.

Вертолёт ҳайдовчиси ёшгина ўзбек йигити экан.

— Ҳай, ука! — дейман. — Бу машинадан қўрқмайсанми? Унинг ғалати қилиқлари йўқми!

— Биз ўқиганмиз, Абдулла ака, — дейди у кулиб. Унинг моҳирлигига қойил қола-қола, бобомизнинг муҳташам ҳайкалию улуғ Оқсаройни, бетимсол Шаҳрисабзни қўкда уч марта айланиб кузатдим. Беихтиёр кўзимдан тирқираб ёш чиқди. Негаки, катта муҳит орасида Оқсарой самовий бир обида сифатида кўзга яққол ташланиб турарди. Унинг шундоқ рўпарасида шу юртнинг буюк фарзанди Амир Темур ҳазратларининг салобатли ҳайкали. Атроф гулзор, хиёбон. Айниқса, вертолётдан қараганда бу манзара мутлақо бошқача кўринар экан.

Мен «пирилдоғи»ни чапдастлик билан бошқараётган укамдан «Яна бир айлантир», деб илтимос қилдим. Менинг ниятим аён эди. Худди ана шу буюк ҳайкал ҳамда Оқсарой рўпарасида Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйини нишонлаётиб, Юртбошимиз ёнида ўтириб, ушбу унутилмас манзарага назар ташлаганим, бу муҳташам ўлка тарихию унинг бугуни ҳақида ўйлар сурганим хотирамга тушди.

Ўшанда Президентимиз Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги муносабати билан гапираётиб, ўзлари ишлаган, синашта Қашқадарё халқи ҳақида унутилмас гапларни айтган эдилар: **«Мендан бу юртнинг энг ҳақиқий бойлиги ҳақида сўраса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганнинг назари тушган бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яшаётган бағрикенг, мард ва ориятли, кўпкўп қийинчилик ва синовларда тобланган, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи, деб жавоб берган бўлур эдим.**

Мен сиз, қашқадарёлик қадрдонларим билан елкама-елка, ҳамфикр бўлиб меҳнат қилган, ҳаётимнинг азиз дамларига айланган кунларимни ҳеч қачон унутмайман. Ўша мураккаб даврда сизлар менга билдирган ҳурмат ва ишончни, таъбир жоиз бўлса, менга қанот берганингизни умрбод миннатдорлик билан эслайман».

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари вилоят халқига бир умр қанот бўлишига шубҳа йўқ.

Қашқадарё, менинг назаримда, иккита нуқтаи назар билан қарашга арзигулик диёр. Биринчиси — унинг ўтмиши. Бу, албатта, ҳазрат Соҳибқирон, қолаверса, Кешу Насаф тарихи. Иккинчиси, бу вилоятдан истиқлол ғояларини қалбига сингдирган яна бир улуғ зот чиқди. Ушбу тарих бевосита Мустақиллик ва Ислом Каримов сиймоси билан боғлиқ. Юртбошимизнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолияти ҳақида яратилиши керак бўлган тадқиқотлардан бири Поён Равшановнинг «Қашқадарё: истиқлол арафасида» асари бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Яқинда Кўкдала касб-ҳунар коллежи очилиши билан нафақат қўрғон ёшларининг, балки Чироқчи туманидаги кўплаб қишлоқлар ўғил-қизларининг айни орзуси ушалди. Қашқадарёдаги 19-Деҳқончилик қурилиш очиқ акциядорлик жамияти бунёдкорлари қуриб битказган мазкур коллеж замонавий ўқув дастгоҳлари, компьютер, лингафон, мебель ва асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Мурувват

Кўнгли яримлар эъзозланди

Қўқонликлар бу масканни меҳрибонлик, меҳр-мурувват, гўдаклар уйи деб аташади. Зеро, бу ердан ҳали рангин олам нималигини тушунмасдан, ота-она меҳридан йўргакдалигидаёқ мосуво бўлган, тақдирнинг аччиқ зарбасига учраган кўнгли яримлар ватан топган. Она деб талпинса оналик меҳрини улашган, ота деб юлқунса бағрини очган, оила тафти деган бир чашма вазифасини ўтаб келаётган ошиён ўзининг 85 йиллигини нишонлаяпти.

Шаҳарнинг кундалик қизғин ҳаётида унчалик овоза қилинмаган бу тантанага таклиф қоғозларисиз, чорловларсиз қатнашиш истагини билдирганлар сони ҳадсиз. Мамлакатимизнинг исталган минтақасида гўдаклар уйида тарбия олган, катта ҳаётда ўз ўрнини тополган миннатдор

(Давоми 2-бетда).

КУЗНИНГ ҲАР КУНИ ҒАНИМАТ

УРГАНЧ (ЎзА мухбири Т. ШАМАКОВ).

Хоразм вилояти пахта далаларида етиштирилган ҳосилни ўз вақтида ва сифатли йиғиб олиш учун қандай ташкилий, агротехник ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?

Урганчда шу масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик ширкатлари, фермер хўжаликлари уюшмалари, агросаноат мажмуига кирувчи бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирок этди.

Бу йил Хоразм хўжаликлари далаларида пахта тайёрлаш давлат буюртмасини бажариш учун етарлича ҳосил етиштирилганми? Бу саволга мутахассислар, далаларда ғўзанинг ўртача зичлиги, очилган ва етилаётган чаноқлар сони деҳқонлар муваффақиятидан далолат бермоқда, деб жавоб беришди. Ваҳоланки, йиғим-терим мавсуми одатдагидан кечроқ бошланди.

Йиғим-теримнинг биринчи ҳафталаридан кўринмоқдаки, ҳамма жойда ҳам иш бу йилги мавсумнинг ҳозирги шароитдан келиб чиқиб ташкил этилмаган. Оммавий теримга далалардаги ҳосилнинг 85-90 фоизи етилгандан кейин киришиш тавсия этилган эди. Бу тавсияга барча ҳам амал қилмади. Кўп жойларда дефолиация сифатсиз ўтказилган. Шу боис кўп далаларда биринчи теримда ҳар гектардан кутилган 20-25 центнер ўрнига, 10-12 центнердан ҳосил олинди.

Йиғилишда ҳозирча ҳаво деҳқонларга қулай келаётгани ва йўл қўйилган камчиликларни тўғрилаш мумкинлиги қайд этилди. Бунинг учун кузнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, йиғим-терим ишларини аниқ режа асосида ташкил этиш, мавжуд ресурслар, аввало, меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш зарур.

Йиғилишда Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов иштирок этди.

ОРОЛБЎЙИДА ЯНГИ ИНШООТ

ҳадемай қад ростлайди

Яқин ўтмишда Орол денгизининг майдони (ундаги салкам уч юзта каттаю кичик орол ҳамда оролча қўшиб ҳисобланганда) 64500 квадрат километрдан иборат эди. Айрим йиллари денгизга 60-62 кубкилометр чучук сув келиб қўшилар, бу ердан овланадиган балиқ салмоғи йилига 466 минг центнергача етган эди.

Бир пайтлари денгизнинг узунлиги, яъни Мўйноқ порти билан Аральск портининг ораси 475 километрдан, эни 45-параллел бўйича 278 километрдан иборат эди. Олтмишинчи йилларнинг бошида йиллик балиқ салмоғи 450 минг центнер бўлган бўлса, 1972 йили 177200 центнерга тушиб қолганди. Орол ихтиофаунаси қарийб 40 га яқин турни ташкил этган бўлса, кейинги даврда бу кўрсаткич камайиб кетди.

Денгизнинг қуриб бориши биринчи навбатда балиқчилик тармоғида жиддий узилишни келтириб чиқарди. Шу йилнинг 15 октябрь куни денгиз соҳилида бўлганимизда тажрибали балиқчи, «Амударё» балиқчилик хўжалигида кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Кувончбой Бекмуратовга:

— Шу кунгача қанча балиқ овлашга улгурдингиз? — деган саволни бердим.

— 170 центнер! — деди раис.

Бугунги кун нуқтаи назаридан қарасак, 170 центнер балиқ Мўйноқ тумани учун оз миқдордаги луқмаи ҳалол, деб бўлмайди. Аммо Оролнинг аввалги сатҳи сақланиб турган пайтлардаги 400-500 минг центнер билан 170 центнер орасида осмон билан ерча фарқ борлиги ҳам рост.

— Бироқ қўлимизга дастрўмол олиб кўз ёши қиладиган ҳолатга тушганимиз йўқ, — дейди Мўйноқ тумани ҳокими, Жўқорғи Кенгес депутати Жорлиқоп Турсинбеков. — Шу замин фарзанди сифатида айтишим мумкинки, Аллоҳ насиби рўз айлаган бўлса, энди ишлар беш бўлади. Нималарга асосланиб бундай деяпман? Хабарингиз бор: бундан икки йил муқаддам Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси қўмагида денгиз бўсағасидаги қўлларни қайта тиклаш ишлари бошланган эди. Ана шу улкан лойиҳага кўра, Судочье қўлида 36 километрлик, Мўйноқ қўлтиғида 8,4 километрлик, Дарё оралиқ сув омборида 1,8 километрлик дамбалар, «Оққум», «Балиқчи», «Мўйноқ» сув ўтказгичлари, жами 10 та объект фойдаланишга топширилди. Бу дегани — ҳаммаси бўлиб умумий сатҳи 200 минг гектарга борадиган Судочье қўли, Ажибой қўлтиғи, Қоражар қўллар тизими, Туморли ва Сариққўл, Зокиркўл, Жилтирбос, Сарибос, Думалоқ, Мўйноқ ва бошқа кўл ҳамда қўлтиқларга 2,5 миллиард кубметрдан кўпроқ сув жамғардик. Орол денгизига эса ўша кўл ва қўлтиқларни тўлдиришдан ортган 6 миллиард кубометр сув бориб тушди. Бориб кўрсангиз бўлади, 6 кубокилометр сув бир вақтлари йилига 60 кубокилометр сув тушган денгиз учун катта ҳажм эмасдир. Аммо келгуси ва ундан кейинги мавсумларда оқар сув кўпайиб, денгизимизнинг бир қисмини қайта тиклашимиз мумкин. Қолаверса, бугун ажойиб бир тадбирда иштирок этадиган бўлдингиз!

Бугуннинг гапи

Ҳоким бизни Бўрлитов қўрғонига бошлаб борди. Қўрғончадан икки-уч чақирим юқорида, Дарё оралиқ сув омбори ёқасида юзлаб одамлар, Тошкент ва Нукусдан сув хўжалиги мутахассислари, тармоқ раҳбарлари, Мўйноқ тумани жамоатчилиги вакиллари тўпланган экан. Бу ерда денгиз бўсағасида йиғиладиган сув заҳиралари мувофиқлаштирадиган, яъни секундига 360 кубометр сувни денгизга ўтказадиган улкан гидроиншоотга биринчи ғишт қўйилди. У ерда 450 минг кубметр тупроқ ишлари бажарилиши, 8447 кубметр бетон ётқизилиши керак. Бу иш тендерда ғолиб чиққан «Сувқурилиш» ҳиссадорлик жамияти зиммасига юкланди.

Тадбирда «Орол денгизи ҳавзаси муаммолари» лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш агентлиги раҳбари Рим Гиниятуллин, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Буркитбой Қидирниёзов, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия қўмитаси Нукус филиали директори Уббиниёз Аширбеков, «Ўзсувмелиолойиҳа» институти директори Геннадий Цуриков ва бошқалар сўзга чиқишди.

Мўйноқ тумани, бутун Оролбўйи ҳаётида янги саҳифа очилди. Денгизга сув тушди. Яна тушади. Президентимиз Нукусдаги тантаналарда таъкидлаганидек, бу юртнинг эртанги куни ҳам ёруғ бўлгай, иншооллоҳ!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муносабат

Яна бир катта имконият

Мамлакатимизда мавжуд валюта чекловларининг бекор қилингани, жорий халқаро операциялар бўйича валюта бозорининг эркинлаштирилиши ниҳоясига етказилганини эшитиб, роса қувондим. Инфляция даражасининг кескин қисқариши, валюта айирбошлаш курсларининг ташқи молиявий кўмаксиз бир хилда сақланиши имконияти яратилганининг натижаси бу.

Куни кеча эса иш юзасидан «Ғаллабанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармасида ўз миллий сўмимизнинг хориж валютасига эркин алмаштирилаётганининг гувоҳи бўлдим. 1 АҚШ долларининг сотилиши курси 985 сўм, харид нархи эса 975 сўм қилиб белгиланибди. Шу тариқа «қора бозор» ҳам синди.

Одамлар «Пулимиз конвертация бемалол қилинибдими, энди арзончилик, бундан-да фаровонлик бўлади», дейишаяпти. Ўйлайманки, жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютамиз конвертациясининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилишида, айниқса, биз, тадбиркорлар фаолиятининг ривожланишида яна бир катта имкониятдир.

Ёдгор МАРДИЕВ,
тадбиркор.
Самарқанд вилояти.

Чотқол муҳофазасига бағишланди

Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасида Чотқол тоғларидаги биологик хилма-хиллик ҳамда йўқолиб бораётган ҳайвонот оламини асраб-авайлаш мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда соҳага тегишли идоралар, ТАСИС, GEF ҳамда UNESCO каби бир қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этишди. Бу тоғ тизмаларида ўсимлик ва ҳайвонот оламининг 3000 га яқин ноёб турлари мавжуд. Хусусан, йўқолиш арафасида турган қор қоплони, қўнғир айиқ, бургут каби кўплаб жониворлар яшайди.

ТАСИС томонидан бу табиий ҳудудни муҳофаза қилиш бўйича давлатлараро лойиҳа ишлаб чиқилган. Жаҳон Банкининг Глобал экологик фонди ушбу лойиҳани молиялаштириб келмоқда. Семинар иштирокчилари лойиҳа амалиёти билан таништирилди.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАТАН ИЧРА ВАТАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакат раҳбарияти ушбу вилоятни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирган эмас. Ўзим гувоҳман: айрим раҳбарларни ишга қўяётиб, Юртбошимиз: "Бир йилдан сўнг ишнинг натижасини сизлардан сўрайман», — деб айтардилар. Афсуски, ушбу юксак ишончни ҳар ким ҳам оқлай олмади. Бунинг сабабини юртдошларимдан сўраганимда улар: «Биз улуғ раҳбарларни кам кўрдик. Аввалгиларнинг фожиаларию қийинчиликларини енгиб, бизга йўл кўрсатган Ислом Каримов бўлди», — дейишди.

Мен Қашқадарё тупроғида туғилган бир одам сифатида айта оламанки, бу халқ ҳалолликни ниҳоятда яхши кўради. Поён Равшановнинг «Қашқадарё: истиқлол арафасида» китобида бир лавҳа бор. Унда айтилишича, Ислом Каримов Қашқадарёдан "Ўзбекистон раҳбари сифатида Тошкентга йўл олганида ўзи билан олиб кетган бор "кўч-кўрон"и "Волга"нинг орқа юкхонасига жой бўлган, у ҳам бўлса, кийим-кечак ва китоблар эди холос".

Қашқадарёликлар бундай пок ва ҳалол инсонни унутмайди ва умрбод қадрига етади. Юртбошимиз ҳам ҳанузгача қашқадарёликларни, унинг оддий меҳнаткаш одамларини эсга олиб турадилар. Бу ўринда уларнинг вазифаси, миллатининг мутлақо аҳамияти йўқ. Мироб Муҳаммад Рўзиев, чорвадор Ҳайит Оқмаматовларнинг номларини айтиб ўтишим мумкин. Қашқадарёга йўллари тушганда эса, албатта, Шаҳрисабзга тушиб ўтадилар. Хуллас, ислоҳотлар, мафкура, жамият муаммолари бутун мамлакат миқёсида қандоқ назарда турган бўлса, жумладан Қашқадарё ҳам Юртбошимизнинг муттасил эътиборларида турибди.

Президентимиз инсон учун маънавий қашшоқлик кулфат эканлигини доимо уқтириб келадилар. У киши Қашқадарёга кейинги келганларида ҳам иқтисод ва бунёдкорлик соҳасидаги ютуқларни, яқиндагина 2700 йиллигини нишонлаган шаҳарни янада ободонлаштириш борасидаги ишларни таъкидлаган ҳолда маънавий камолотга етишиш зарурати, одамларни маънан ва руҳан уйғотишга эътиборни жалб этдилар. Дарҳақиқат, ифодали қилиб айтганда, пул топсангу ақл топмасанг, ақл топсангу уни ишлатадиган йўриқ топмасанг, қийин-да.

Хўш, Қашқадарё ўзининг нимаси билан машҳур?

Биринчиси — газ. Сўнг пахта. Пахтакорларимиз мудом бир гапни такрорлайдилар: «Пахта одамнинг ўзига ўхшайди. Унга қарамаса бўлмас экан. Сал эътибор қилмасангиз сўлиб қолади. Эркалик қилади...»

Миллион йиллик сўз эрур
Пахта бизнинг лугатда.
Жўякларда бошланган
Оналар тўлғоқ дарди.
Мабодо ўсимликка
Забон битса, албатта,
Пахта нави даставвал
Ўзбекча гапирарди.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Дарҳақиқат, пахта ўзбекнинг боласи. Ҳукумат қарорида кўрсатиб ўтилган баъзи мисоллар кишида ниҳоятда нохуш таассурот уйғотади. Айрим чегара туманларида баъзи кимсалар халқ мулкини — пахтамизни бели оғримаган қўни-қўшниларга пулламоқда эканлар. Ё алҳазар! Одамлар пахтани ҳам ўғирлашга қўл урибдими — бу ғоят ёмон аломат! Бундай кўнгилсиз воқеалар Қашқадарёда учрамаган ва учрамасин ҳам.

Мен камтарин бир ижодкор сифатида қўлимга қалам олибманки, жумладан пахта ҳақида ҳам ёзиб келаман. Бу табиий. Чунки унга халқимизнинг фидойи меҳнати, кўз нурию армонлари сингиб келаётир. Шу боис ҳар йили пахта мавсуми ҳеч биримизни лоқайд қолдирмайди. Албатта, қашқадарёликларнинг ҳам мамлакат олдида юзини янада ёруғ қиладиган омиллардан бири пахтадир. Қашқадарёдаги пахтачиликнинг ривожи бутун вилоятдаги умумий ишлар, ислоҳотлар даражаси билан боғлиқ. Жумладан, ўтган йили ҳам Қашқадарёда пахта учун астойдил меҳнат қилингану, бироқ йиғим-терим техникасини сафарбар этишга эътибор берилмаган. Оқибатда терим мавсуми чўзилиб кетиб, қиш-қировли кунларгача одамлар, талабаю ўқувчилар даладан чиқолмай қолган. Бу ҳолнинг маънавий, ахлоқий, сиёсий жиҳатини ўйлаб кўрсангиз, даҳшатга тушишингиз мумкин. Ахир худди шундоқ манзаралар собиқ тузум вақтида содир бўлганлигини надомат билан эслаб турардик-ку. Шунинг натижасида ер ҳам шудгордан қолиб, келаси йил экин-тикинига зимдан зарба урилган.

Қашқадарёликлар шундай бир шароитда бу йилги пахта тараддудини кутиб олган эдилар. Бунинг устига баҳор ҳам кечикди. Хўш, юқорида айтиб ўтилган асоратлардан қутулиш учун нима ишлар қилинди? Албатта, меҳнат, лекин у оқилона меҳнат эди. Фермерларга эрк берилди. Деҳқоннинг ҳурмати жойига қўйилди. Оқибатда мўл ҳосил етиштирилди. Ана шу ҳосилни йиғиштириб олиш учун катта меҳнат бораётган айни кунларда кўплаб туманларда бўлдим. Қашқадарё пахтакорларининг ҳаёти билан боғлиқ бугунги манзаралар бундоқ: даставвал терим машиналарига кенг йўл берилгани кўзга ташланиб турибди. Машиналарнинг пахта тергани учун деҳқон тўлайдиган маблағ эса чора-тадбирлари топилиб, тенг ярмига арзонлаштирилибди. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла Саидов раҳбарлик қилаётган "Жейнов" жамоаширкат хўжалиги ўтган йили терим машиналаридан деярли фойдаланмаган экан. Бу йилги мавсумда Муродулла ака ўзларидаги терим машиналарига қўшимча сифатида бошқа туманлардан ҳам "Кейс"ларни олиб келди. Бунинг натижасида баъзи кунлари йиллик режанинг ўн бир фоизигача миқдорда пахта тайёрланди. Йиллик режа ўн саккиз кунда бажарилди. Саккиз минг тоннадан ортиқ ҳосилнинг ҳаммаси аъло навли пахта эди. Бундай интилишни "Миришкор" жамоаширкат хўжалиги мисолида ҳам кўрдик. Вақтдан ютиш, ҳосилни ўз вақтида, нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдан келадиган тушум, нақд фойда эса халқники.

Президентимиз муттасид равишда фермерлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришга эътибор бериб келадилар. Фермернинг ҳаётимиздаги ўрни фахрий меҳмонникига ўхшаб қолмаслиги керак. Фермерлик қийинчиликни ҳам, муваффақиятни ҳам бошқалар билан баб-баравар елкасига кўтарувчи жабҳадир. Мен Нишон туманидаги иккита фермер ҳақида гапиришни хоҳлардим. Уларнинг бири Тўра Раҳмонов. У аллақачон режаларини уддалаб қўйганига қарамай, айрим далаларидан гектарига етмиш центнерга етказиб хирмон кўтарди. Пирмат Каримов эса биринчи теримнинг ўзидаёқ қирқ центнердан ҳосил олди. Булар фермерликнинг нонини ҳалол еяётган ҳақиқий ер фарзандлари. Улар тупроқнинг тилини билишади. Шунинг учун ҳам замин улардан баракаси, саховатини дариғ тутмайди. Вилоят ҳокими уларга ерларига яна ер қўшиб олишни, хўжалигини кенгайтиришни тавсия этди. Улар зироатчилигимизнинг хосиятли қалдирғочларидирлар.

Иншооллоҳ, юқорида биз санаб ўтган омиллар натижасида вилоят хирмони орзу қилинганидек юксак бўлар. Бунинг натижаси эса жуда ҳам жозибалидир. Яъни халқимизнинг дастурхони яна ҳам тўкин бўлади. Деҳқон ва унинг фарзандларининг китоб ўқиш, саёҳат қилиш, дам олиш, даволаниш, уй-жой қуриш, тўйлар қилишга вақти бемалол бўлади. Узун тунлар гап-гаштак билан Алпомишхонлик қилишга, курашу кўпкарини қизитишга нима етсин.

Ҳозир қашқадарёликларнинг руҳияти баланд. Вилоятга шу жойда униб-ўсган Нуриддин Зайниев раҳбар қилиб қўйилди. Ундан Қашқадарё халқи рози. Ҳаммaнинг мақсади Юртбошимиз қўйган вазифаларни бажариш. Виждонан бажариш. Бир замонлар мен эшитувдимки, Усмон Юсупов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган йилларда бундай деган эканлар: «Агарки, бирор вилоятимизга ўз аравасини ўзи тортиш тўғри келса, бу ишни ягона Қашқадарё вилояти уддалаган бўларди». Бугун энди, албатта, замонлар ўзгарди.

Бугун воҳада иқтисодий ва маънавий-маърифий жабҳада рўёбга чиқарилаётган ишларнинг бутун манзараси кўз олдимда. Мана биттаси: вилоят кутубхонасининг янгидан таъмирланиб, қирқта компьютер, кичик босмахона, нусха кўчириш техникалари, бой китоб фонди билан таъминлангани, Интернет орқали жаҳон кутубхоналарига боғлангани — бу Қашқадарё маънавий ҳаётидаги мисли кўрилмаган воқеа. Қарши давлат университетининг компьютер мажмуида эса дунёдаги исталган мамлакатнинг энг машҳур дорилфунунлари билан, уларнинг бой китоб заҳиралари билан бир зумда алоқа боғлаш имконияти яратилган. Кўкдалада янги коллеж биноси фойдаланишга топширилди. Чиялда қуриляпти. Шаҳрисабзда эса ёшлар спорт мажмуи қад ростламоқда. Шаҳрисабз — жаҳоннинг кўрки бўлган шаҳар. Оқсарой яққол кўзга ташланиши учун унинг атрофидаги кўчалар кенгайтирилмоқда. Уйсозлик равнақ топиб, янги турар-жойлар қурилиши изга тушиб бормоқда.

Қашқадарёни биз қадимият ўлкаси, дедик. Китоб туманининг Хўжа Илмконидаги бетакрор коризлар, Қаршидаги кўҳна Ерқўрғон, Муборакдаги машҳур Занжирсарой қадри бир-биридан қолишмайдиган табаррук ёдгорликлардир. Шаҳрисабзга-ку тараф йўқ. Икки оғиз сўз Насаф ҳақида. Ҳозирги маълумотларга қараганда, ўрта асрларда ушбу шаҳарда юздан ортиқ Насафий нисбалик алломаю ижодкорлар ўтган экан. Бу хусусда Юртбошимиз айтган мана бу сўзларга эътибор берайлик: **"Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё заминида бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Биргина қадимий Насаф шаҳрида ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққани бунинг ёрқин далилидир. Афсуски, бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди. Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар тарафлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи галда, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир".** Таниқли арабшунос олим Убайдулла Уватовнинг китобида Абу Ҳафс ан-Насафий, Абул Муъийн ан-Насафий, Абул Баракот ан-Насафий, Абул Ҳасан ал-Паздавий каби ўнлаб машҳур алломаларнинг илмий мероси тадқиқ этилган. Қаршининг номи ончалик қадимий эмас. Бу номни шаҳарга XIII асрда мўғуллар қўйган. Азалда эса у Нахшаб, деб аталган. Шаҳар VII асрдан буён Насаф, деб юритилган.

Фикримизча, шаҳар ўзининг дунё илм хазиналарида сақланаётган ана шу қадимий номи билан аталса жоиз бўларди. Қашқадарё Амир Темур ватани. Вилоят ҳам шу улуғ номга сазовор, десак янглишмаймиз.

Мамлакат вилоятлари бўйсирасида ўз обрў ва эътиборига эга бўлган Қашқадарё катта йўлга чиқиб олаётганига ишонгим келади. Модомики, унинг истиқболи мамлакат истиқболи билан эш экан, унинг ҳар бир қадамига омад тилайман.

Иқрор

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу дарё меники.

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу тоғлар меники.

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу саҳро меники.

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу бозор меники.

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу мозор меники.

Яхшидир, ёмондир —
шу Ватан меники.

Она ва бола — давлат ҳимоясида

Ҳеч кимдан кам бўлмаган юрт

Яқинда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилди. Тадқиқотларда аҳоли турмуш даражасидаги ҳақиқий ўзгаришни таъминлаш учун иқтисодий ўзгаришлар самарали ижтимоий сиёсат билан уйғун бўлиши лозимлиги эътиборда тутилди. Шу нарса аён бўлдики, юртимизда мустақиллик йилларидаги иқтисодий ўзгаришлар ижтимоий сиёсат билан уйғунлаша олгани боис, аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар туфайли аҳолининг барча қатламларини қамраган махсус дастурлар ижросининг босқичма-босқич, изчилликда таъминланаётгани натижасида Ўзбекистон Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши кўрсаткичларга эга эканлиги намоён бўлди.

Дунёнинг 27 мамлакати турмуш фаровонлиги қиёсий ўрганилган бу тадқиқотлар аслида халқимиз куч-қудрати, иродаю матонатини, том маънодаги эзгу интилишлари, аввало, Яратганга хуш келганини, ҳар қандай вазиятда Юртбошимизнинг ўз халқи орасида тинчлик ва барқарорликни маҳкам тутиб, моҳирона бошқарув сиёсатини йўлга қўйганини яна бир маротаба исботлади.

Аслида, биз тўғри йўлда эканимизга шак-шубҳа йўқ эди. Биз ҳеч бир халқ ёки миллатнинг ризқ-насибасига, кўзлаган манзил-масканларига шерик бўлмадик. Ўзбекистоннинг ўз собит қадами, ўз айтар сўзи, пешонасига битилган ўз ёзиғи бор. Шундай кезларда китобларда ўқиганларим ёдга тушади: Яратганнинг ўзи халқни қўлламоқни истаса, унга муносиб раҳбарни пешонасига битаркан. Энг заҳматли, синовли йилларда шундай раҳбарга эш ва қувват бўлишликни, унинг ўгит ва маслаҳатларига амал этишликни, тафаккур ва сабрни қурол қилишликни халқимизга раво кўрди. Алал оқибат, шукрким, бошқалардан кўп бўлсак, бўлдик, кам бўлмадик.

Келинг, мулоҳазаларимизни давлатимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш сиёсати мисолида тасдиқлашга уриниб кўрайлик. Ўзбекистонда илгари 1000 нафар чақалоқдан 38,1 нафари нобуд бўлса, истиқлол йилларида бу кўрсаткич 18,3 нафаргача тушди. Илгари ҳар 100 минг ҳомиладор аёлдан 42,8 нафари туғиш пайтида ҳаётдан кўз юмган бўлса, мустақиллик йилларида бу кўрсаткич 33,5 нафаргача камайди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Қозоғистонда 50, Қирғизистонда 43,8, Тожикистонда 45,4 нафарни ташкил этади.

Хўш, бунга қандай эришдик? Жавоб беришдан аввал 10-12 йиллар илгариги ҳаётни хотирада тиклашга уриниб кўрайлик. Туғиш ёшидаги аёлларнинг оналик ҳақ-ҳуқуқлари қандай таъминланган эди? Аввало, тан олиш керак, туғиш ёшидаги аёл деган иборанинг ўзи йўқ эди. Онамнинг айтишича, мен дунёга келгач, 18 кун ўтиб ишга чиққан экан. Давлат ишлари билан банд аёлларнинг туғишдан аввал ва кейин шунча кунлик таътил кунлари бўларкан, холос. Энди чақалоқ қандай унибўсишини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Ёки узоқ қишлоқларда аёлларнинг пахтазору, ариқларда туғишлари ажабланарли ҳолат эмасди. Боболаримиз униб-ўсган бешиклар ёппасига қораланиб, елим сўрғичу, сунъий кукунпорошокларга ўтилгани қақиқат. Кеча туғишдан бўшаган, ҳали "чилласи" чиқиб улгурмаган келинчак кўкракларидаги сутларини қотириб боғлаб, бешигини станогу пахта териш комбайнларига алмаштирган, шундай ҳолатлар ура-ура қилиб олқишланган даврлар бўлди. Буларни оналаримиз яхши эслайдилар. Мақсад – у даврни қоралаш эмас. Мақсад – ҳақиқатга тик қараш, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ. Зеро, шундай яшашни бизга ўргатаётган истиқлол аёл, энг аввало, Она бўлиш учун яралганини, унинг зиммасидаги энг олий бахт фарзандини соғлом дунёга келтириш ва тарбиялаш эканлигини ҳам англатди.

1991 йил 27 февралда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Туғруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишларининг кечиктириб бўлмас чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳудудий дастури қабул қилинди. Дастурга кўра, ҳар бир ҳудуднинг имкониятлари, иқлимидан келиб чиқиб, туғиш ёшидаги аёллар турмуши ўрганилди, уларни соғломлаштиришнинг илк чора-тадбирлари белгиланди. 1993 йилда Вазирлар Маҳкамаси "Ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш чора-тадбирларининг комплекс ҳал этилишига оид" қарорини эълон қилди. Унга кўра, жойларда туғиш ёшидаги аёлларни ёппасига тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликларини аниқлаб, комплекс соғломлаштириш ишларини уюштириш, вақтинча туғиш мумкин бўлмаган аёлларни ҳомиладорликдан сақлаш усуллари ривожлантирилди. Марказий Осиёда илк бор бизда «Соғлом авлод» учун ордени таъсис этилди. Шу номдаги жамғарманинг иш бошлаши қарор ижросини тезлатди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид имкониятларимиз кундан-кун кенгая борди. Туғруқхоналар таркиби кескин ўзгара бошлади. Уларда аёлларни туғруққа тайёрлаш ва туғруқдан кейинги реабилитация бўлимлари ташкил этилиб, қўшимча туғруқ заллари кўпайтирилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) тавсияларига кўра, янги туғилган чақалоқни 15-20 дақиқадан сўнг она кўкрагига тутиш, туғруқхонада уларни бир жойда сақлаш (илгари она ва гўдак туғруқхонада алоҳида сақланарди) йўлга қўйилди.

Куч-қувватсиз, заиф, турли хасталикларга чалинган аёлларни соғломлаштириш учун Республика экстрогенитал касалликлар, «Она ва бола» марказлари, унинг вилоят ва туман бўлимлари ташкил этилди. Уларда туғруқ ёшидаги аёллар соғломлаштирилди. Ёш оналар ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилди. Туғруқларнинг оралиғини 3-4 йилга узайтириш, уларни аёллар учун қулай 20-30 ёшлар оралиғида йўлга қўйиш, эрта ва кеч ёшдаги аёлларда ҳомиладорликнинг олдини олиш тарғиб ва ташвиқ қилинди.

Йилларнинг номланиши билан узвий боғлиқ Давлат дастурларининг асосий моҳияти соғлом авлодни вояга етказиш, тарбиялашдан иборат бўлди. Юртбошимиз ташаббуси билан уларни бирин-кетин изчилликда амалга ошира бориш натижасида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ фақат ўзимизга хос ва мос мактаб яратилди. Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларида оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенцияларни амалга ошириш, бу борада юртимизда мавжуд қонунларни такомиллаштириш ишлари диққат марказида бўлди. Унинг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси, Республика Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий, "Маънавият ва маърифат" марказлари, халқаро ташкилотлар, жамғарма ва турли нодавлат идораларнинг эзгу мақсад — оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ниҳоятда қўл келди. Муаммога комплекс ёндашув, кенг жамоатчиликнинг уюшқоқлик билан изчил киришиши оқибатида бугун ЮНИСЕФ ўтказган тадқиқотларда кўрсаткичлар юртимизнинг нуфузини ошириб турибди.

Рақамлар ўз йўлига, муҳими, ҳаёт ҳамиша давом этади. Қаердаки интизом, ҳушёрлик, иймон бор экан, у ердан файз-барака аримаслиги, тинчлик ҳукмрон бўлиши яна бир карра ҳаётий тасдиғини топди. Юртбошимиз илгари сурган асосий ғоя — Озодлик шабадаларини юрак ва тафаккурдан ўтказиб яшаш, меҳнат қилиш сурури бундан кейин ҳам ҳар биримизни тарк этмасин.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Кўнгли яримлар эъзозланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

кишиларни учратиш мумкин. Эҳтиром тўла таъзим ва табрик хатлари собиқ иттифоқнинг аксарий давлатларидан, ҳатто олис Исроил мамлакатидан ҳам келди. Бу хатларда битилган қалб сўзларини, дил нидоларини, юрак титроқларини бир нафасда ўқиш қийин.

Саксон беш йил кўҳна тарих учун қош билан кўз орасидай гап. Лекин шу қисқа давр ичида бу масканда неча минглаб кўнгли ярим, қалби синиқ болакайлар ҳаётнинг илк босқичидаёқ олган жароҳатларига малҳам топдилар. Оналик меҳри нима эканлигини ўз бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис этган, гўдакларнинг жисмонан ва руҳан баркамол вояга етишларида билими, кучи, қувваи-ҳофизасини аямаган энагалар, тарбиячилар, муаллимлардан туйдилар.

Истиқлол йилларида қўшни мамлакатларда бўлгани каби маскан фаолияти тўхтаб қолмай, балки янада ривожланиб, замонавий жиҳозлар, тарбия воситалари, компьютерлар билан таъминланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳомийлар, мурувватпарвар инсонларнинг қадами бу ердан бирор сония ҳам узилгани йўқ. Муборак тўй билан шарафлаш маросимида сўз олган Қўқон шаҳар ҳокими Абдуҳаким Хўжаев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳаётхон Каримовлар ҳукумат, ҳокимликларнинг туҳфаларини инъом этишди.

— Мени гўдаклар уйига олиб келишганида ҳали мижжасини ҳам қоқа олмайдиган чақалоқ эканман, — дейди милиция полковниги Сорахон Аҳмедова. — Менга отанг ким деса шу уйни, қошингда тунларни бедор ўтказган онанг ким деса шу гўшани кўрсатганман. Бу маскандан қўним топмаганимда балки тотли дунё юзини кўрмаган бўлардим. Шу бешикнинг оналай мўътабар энагалари, тарбиячилари, муаллимлари тўғри йўлни кўрсатиб, ҳаётга йўналтиришмаганида безорилар сафида бўлармидим?! Ўзимнинг «Қалб нидоси» деб номланган китобимни шу саховатпеша инсонларга, барча етимларнинг бошини силаган муборак юрт — Ўзбекистонга бағишлаганман.

Бу мурувват, саховат кечасига жамланган, шу ерда ўсиб, камолга етган, ҳаётдан ўз ўрни, номини, насл-насабини топа олган юзлаб, минглаб «кўнгли яримлар»нинг дил изҳори, қалб нидоси эди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

18 октябрь — Самарқанд куни

Ўтмиши — шарафли, бугуни — саодатли, келажаги — абадий

Кўҳна Самарқанднинг ҳар куни шукуҳли, файзли, тароватли. Ҳар қарич ери эъзозли, ҳар сиқим тупроғи табаррук. Асрлар билан сўйлашган шаҳар қадамжоларидан аждодлар нидоси эшитилаётгандек. Исломий кошона деб аталмиш Шоҳизинда мажмуаси, Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари зиёратидан қалблар ҳапқиради. Табаррук хилқат — Гўри Амир мақбараси кўнгилларга ҳаяжон солади.

Шаҳар атрофини қуршаб турган Темур боғларидан ажиб гўзаллик, файзу тароват уфуради. Қадимий Афросиёб билан туташиб кетган Кўҳак тепаликларида англаб бўлмас улуғворлик бор.

Бири-биридан улуғ айёмлар, ўтказилаётган халқаро тадбирлар шаҳар нуфузининг ҳар қачонгидан-да ошишига хизмат қилмоқда. Хорижликлар нигоҳида унинг бор бўй-бастини намоён этаётир. Шу боис ҳам жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари сайёҳларининг қадимий шаҳарга интилишлари кучли. Уларнинг бу ердаги бетакрор осориатиқаларни ҳайрату ҳавас билан томоша қилишаётгани бор гап.

Айни пайтда вилоятда икки мингдан зиёд тарихий обидалар, қадамжолар мавжуд. Уларнинг ўн бешга яқини халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳисобида туради. Энг аҳамиятлиси, мустамлакачилик йилларида қаровсизлик оқибатида аянчли ҳолга тушиб қолган тарихий обидаларнинг мустақиллик даврида қайта таъмирланганги, дунё халқларини ўзига жалб этаётгани қувончлидир.

Самарқандлан унча узоқ бўлмаган Хартанг қишлоғидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси бугун мусулмон оламининг қутлуғ зиёратгоҳига айланганини ким билмайди дейсиз. Мажмуа жуда қисқа муддатда жаҳон андозаларига мос равишда миллий услубда қайта қурилгани ҳўп савоб иш бўлди. Чокардиза хилхонасидаги ободончилик, Имом ал-Мотурудий ёдгорлик мажмуасининг барпо этилиши ҳам қадриятларимизнинг қайта қадр топаётганидан дарак, албатта. Бугун бу қадамжога зиёратга келаётганлар беҳисоб.

Мустақиллик йилларида Самарқанд тўла маънода ўзгарди. Кўчалар, боғлар, маҳаллалар кўркига-кўрк қўшилди. Барпо этилган муҳташам бинолар шаҳар ҳуснига ҳолдек ярашди. Улардан бири яқинда фойдаланишга топширилган «Президент палас» меҳмонхона мажмуидир. Университет хиёбонидаги тўрт юлдузли бу кошона 250 ўринли бўлиб, асосан чет эллик сайёҳлар учун мўлжалланган.

Темирйўл туманида шу йилнинг баҳорида «Сўғдиёна» номли сўлим боғ барпо этилганди. Айни пайтда эса Кўксарой майдонига туташ жойда яна бир гўзал оромгоҳ шаҳарликларга совға қилинаяпти. Ана шу оромгоҳ ва Кўксарой майдонида бир неча фавворалар ҳам кўкка бўй чўзиб турибди.



Самарқандга Амир Темур орденини топшириш чоғида Юртбошимиз бу кўҳна гўшани ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар, дея эътироф этганди.

Дарвоқе, шундай. Шарафли ўтмишга эга Самарқанд бугун саодатли кунларда яшаяпти. Бу ерда ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали шаҳар довруғини, шаён-шавкатини дунёнинг узоқ бурчакларига таратмоқда. 2003 йилда бу нуфузли анжуман тўртинчи бор жаҳон нигоҳини Самарқандга қаратди. Ўша кунлар бутун дунё санъати Самарқандда бирлашди, Шарқу Ғарб санъат ихлосмандлари кўҳна шаҳарга жўровоз бўлди.

Самарқандннинг жаҳонаро шуҳратининг янада ошганлигини дунёнинг кўплаб шаҳарлари билан биродарлашганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, АҚШнинг Олимпия, Франциянинг Лион, Индонезиянинг Банда-Ачех, Покистоннинг Лоҳур, Перунинг Куско, Қозоғистоннинг Жамбул каби шаҳарлари билан дўстона алоқалар йиллан-йилга ривожланиб бораяпти.

Самарқанднинг жаҳон тамаддунида муносиб ҳиссаси борлиги тарихдан маълум. Бу юртда қанчадан-қанча олимлар, шоирлар, алломалар, донишмандлар, мутафаккирлар яшаб, ижод қилишган. Ва бу юртга бошқа мамлакатлардан илм истаб келганларнинг ҳам саноғи бўлмаган. Бугун ҳам бу анъана давом этмоқда. Одамлар онгидаги ўзгаришлар, ҳаётга янги қарашлар, ойдин келажак сари интилиш шаҳарнинг эртаси ҳам боқийлигини ифодаламоқда.

Хуллас, бугун кўҳна Самарқанд ўз байрамини яна бир бор нишонламоқда. Бу байрам ҳар бир самарқандлик учун, юртдошларимиз учун фахр, ифтихор рамзи бўлиб қолажак, албатта.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА)
олган суратлар.

● *Миннатдорчилик*

Муаммолар ҳал бўлди

Биз Қашқадарё вилояти, "Таъминотчи" савдо ишлаб чиқариш корхонасидан 40 нафар қурувчи Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги турар жой қурилишига жалб этилган эдик. "Сантехгазмонтаж" қурилиш трестига қарашли ДХО "Санбунёдкор" хўжалик жамияти ҳамда "Тошуйжойинвест" ОТАЖнинг 4-қурилиш трести билан шартнома тузилди. Афсуски, қурилиш тугагач, ишчиларнинг ҳақлари тўлиқ берилмади. 8-9 ой сарсон бўлиб юрдик. Охири Тошкент шаҳар хўжалик суди, Чилонзор тумани суд ижрочиларига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Ҳайтовур, бу ердаги мутахассисларнинг ёрдами билан қарзимиз ундириб берилди. Бизга улар нафақат муаммоларимиз ҳал бўлишида кўмаклашдилар, балки ҳақиқатгўй, олижаноб эканликларини ҳам исбот этишди. Уларга ўхшаган инсонлар юртимизнинг янада равнақ топишида хизмат қилаверсинлар.

Дилмурод НАЗАРОВ,
"Таъминотчи" савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари ўринбосари.

● *Нажот истаб*

Ногиронларнинг дили ранжимасин

Шаҳримизда ногиронларга хизмат кўрсатувчи устахона мавжуд эди. Бу жой туманлардаги беморларнинг сунъий оёгини таъмирлаш, махсус пойабзаллар тикиш каби хайрли ишларни амалга ошириб келаётганди. Бир гуруҳ адвокатлар вақтинча фойдаланиш баҳонасида шу устахонага жойлашишдию, шаҳримиздаги бир неча туманларнинг кексалари, ногиронлари биргина юмуши учун Фарғонага бориб келишга мажбур бўлди-қолди. Эндиликда адвокатлар ҳаракати билан бўлса керак, устахона шаҳар ижтимоий таъминоти бўлими тасарруфига ўтказилган.

Қийинчилик туғдираётган бу муаммо юзасидан шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик, аммо натижа йўқ, энди умидимиз сизлардан.

Х.РАҲМОНОВ,
Н.ҚОДИРОВ,
Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри.

● *Таклиф*

Ёдгорлик ўрнатилса...

Биз газетанинг бир гуруҳ мухлислари таклиф билан мактуб йўллаянмиз. Халқ эрки, озодлиги йўлида шаҳид кетган Спитаменнинг қаҳрамонликлари ҳақида газета саҳифаларида мақолалар беришингизни хоҳлар эдик. Шунингдек, у тўғилиб яшаган Гилон қишлоғига бориладиган жойдаги Хисорак сув омбори атрофига ёдгорлик ўрнатилса, бу буюк аждодимизга кўрсатилган эҳтиром ифодаси бўлар эди.

Б.МИРЗАЕВ,
Ф.ЭШМУРОДОВ,
Шаҳрисабз тумани.

Марказий Осиё ўйинлари

Спортчиларимизнинг дадил одимлари

Душанбе шаҳрида давом этаётган 5-Марказий Осиё ўйинларида спортчиларимиз мувaффақиятли иштирок этишмоқда. Кеча гиламга чиққан дзюдочиларимиз терма жамоамиз ҳисобига яна учта медални тақдим этишди. 77 килограмм вазн тоифасида кураш олиб борган Шокир Мўминов шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Мурод Ҳалимқулов (66 кг) ва Эркин Қодиров (60)лар эса бронза медали билан чекланишди.

50 метрли масофадан малакали калибрли тўппончадан ўқ отишда ҳамюртимиз Анвар Осмоновга тенг келадиган рақиб топилмади. Тўсиқлар оша 50 метрга югуришда ҳам Гўзал Қуббиева ва Андрей Корлеевлар Марказий Осиёнинг етакчи спортчилари эканлигини кўрсатишди. 100 метрли масофаларда эса омад вакилларимиздан юз ўгирди. Альбина Сабагатурина "финиш" чизиғини учинчи бўлиб босиб ўтди.

Ядро ва босқон улоқтиришда ҳам Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кичик "қитъа Олимпиадаси"нинг чемпионлари бўлишди. Сергей Котт, Олга Шукина ҳамда Олга Жагаловалар олтин медалларни қўлга киритишган бўлса, яна уч нафар спорчимиз иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири

Футбол

«Пахтакор» — чемпион

Ўтган куни футбол бўйича мамлакат чемпиони номи маълум бўлди. Жорий мавсумни кўтаринки руҳда ўтказган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Қаршида "Насаф" билан бўлган учрашувда 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, тўртинчи бор мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Тачмурод Агамуродов шогирдлари чемпионат давомида 28 учрашувнинг 25 тасида рақибларидан устун келишди. Икки баҳсда дурангга имзо чекишган бўлса, бор-йўғи бир бор имкониятни бой беришган.

Ҳали мавсум якунланишига уч тур қолган бўлса-да, пойтахтликларга энди уларнинг энг яқин таъқибчилари "Нефтчи" жамоаси етолмайди. Икки жамоа орасидаги фарқ 12 очкони ташкил этади. «Нефтчи» ушбу турда ўз майдонида бронза учун курашаётган "Қизилқум» жамоасини қабул қилди. Сўнгги турларгача чемпионликдан умидини узмаган фарғоналиклар дуранг билан кифояланишди, холос. "Қизилқум"нинг водийдан бир очко билан қайтиши медал учун кураш янада кескин кечишини таъминлади. Ҳозирча, учинчи ўрин учун "Навбаҳор", "Қизилқум" ва "Насаф" жамоалари кураш олиб бормоқдалар.

Ўз мухбиримиз.



ҚИБРАЙЛИК ТАДБИРКОР АЁЛ

Қибрайлик Наргиза Назарованинг мутахассислиги тиббиёт ҳамшираси. У бундан тўрт йил муқаддам туман марказида "Наргиза" соғломлаштириш масканини очиб, бир неча турдаги физиотерапия, сауна, бассейн ва уқалаш усуллари билан аҳоли саломатлигини тиклашни йўлга қўйди. Тадбиркорлик соҳасидаги ишлари билан бир неча марта туман ва вилоят миқёсида ўтказилган "Ташаббус" кўрик танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни олишга муваффақ бўлди. Айни пайтда масканда ёшларга компьютерда сабоқ бериш, Интернетга уланиш, ҳунармандчилик, пазандачилик, сартарошлик ва инглиз тилига ўқитиш курсларини ташкил қилиш борасида иш олиб борилмоқда.

СУРАТДА: тадбиркор аёл Наргиза Назарова.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Онам ёшлигимизданоқ, бизга одамлар бир-бирларига яхшилик қилиб яшашлари керак, қилган яхшилиги бир куни ўзларига, албатта, қайтади, — дея уқтиргани-уқтирган эди. Қарзи ҳасана эса энг катта яхшилик ҳисобланаркан. Бу сўзнинг маъносини излаб, луғатлар титкилаганман, ўшанда. Лекин, тополмагандим. Кейинчалик эса у тамоман ёдимдан кўтарилганди.

ЯХШИЛИКНИНГ ҚАЙТИШИ

Август ойи ўрталарида республикада хизмат кўрсатган артист Пўлат Носиров таҳририятга қўнғироқ қилиб, Миллий театрда намойиш этиладиган видеофильм тақдимотига таклиф қилганида, одатдагидек вақтим бор-йўқлигини ўйлаб ҳам ўтирмадим, боришга жазм этдим. Чунки фильмнинг номи «Қарзи ҳасана» экан...

Ўзбекистон телеижодкорлари томонидан ишланган «Қарзи ҳасана» видеофильми маҳалла ва ота-онани улуғлаш асосига қурилган. Зеро, унинг Обод маҳалла йилига бағишланишида ҳам катта рамзий маъно ётади.

Фильм сюжети оддий: иккинчи жаҳон уруши йиллари. Очарчилик. Нон деса кесак ғириллайдиган замон. Ғарибона кийинган ўсмир — Абдукарим далада ишлаётган отаси учун иккита нонни эҳтиётлаб олиб кетмоқда. Бирдан йўлида совуқдан изиллаб турган қизча — Роҳатойни учратади. Маълум бўлишича, унинг онаси, икки синглиси очликдан қийналаётган экан. Абдукарим ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан иккита нонни унга беради...

Орадан йиллар ўтиб, дориломон кунлар бошланади. Ўсмир Абдукарим Абдукарим отага айланади. Уйжойли, бола-чақали, невараси. Бироқ, ҳаёт инсонлар билан ҳисоблашмайди. Отанинг кампири ўлиб, болаларга қарам бўлиб қолади. Қизлар вақт топса ҳолидан хабар олишади, келин кирларини ҳар доим ҳам ўз вақтида ювиб қўявермайди. Ўғилнинг эса кўзи «кўр», қулоғи «кар». Хуллас, отага кампир керак бўлиб қолади. Шунда дўсти Жўра ва маҳалладошлар жонига оро кириб, уни уйлантириш пайига тушадилар. Қиссадан ҳисса шуки, Абдукарим ота Роҳатой исмли бир бевага уйланади. У ўша уруш йилларида иккита нонга зор бўлган қизча эди. Яъни ўсмир Абдукаримнинг беминнат иккита нони ўзига покиза ҳамроҳу, бир умр яхшилик бўлиб қайтади.

Нурилла Аббосхон қаламига мансуб мазкур видеофильмнинг сценарий муаллифи ҳам, саҳналаштирувчи режиссёри ҳам Ҳамид Қаҳрамонов. У асарни ўқиб чиққач, томошабинга муҳим бир гап айтиш мумкинлигини дарҳол англаб етди. Ролларга актёрларни ҳам чертиб-чертиб танлади: Пўлат Носиров (Абдукарим), Ҳамид Ғафуров (Жўра), Яйра Абдуллаева (Тожихон), Тўти Юсупова (Роҳатой), Клара Жалилова (Ширмоной), шунингдек, Маҳмуд Исмоилов, Раъно Ярашева, Доно Бобохонова, Ширин Мирзааҳмедова ва бошқалар. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос характерга эга. Томошабинни керак пайтда кулдиради, керак пайтида ўйлатади. Масалан, Пўлат Носиров ижросидаги етмишдан ошган Абдукаримнинг уйланиш дардига мубтало бўлиши аввалида томошабиннинг бироз ғашига тегса-да, воқеалар ривожида у табиий ҳолга айланиб боради. Ёки Шўро-лар давридаги раҳбар аёл Тожихоннинг даҳаллиги, эркаклашдалиги, Ширмонойнинг мулозамати ва ниҳоят Роҳатой аянинг одамгарчилиги, яхшиликка яхшилик қайтаришдек эзгу нияти кадрлардан юраклларга кўчиб ўтгандек бўлади. Тўти Юсуповонинг Роҳатойи ўзининг гўзал ахлоқи, покиза қалби ва аёллик латофати билан фильм жозибасини бир қадар орттиргандек, назаримизда. Рассом Арслон Обидов ишлаган манзаралар эса ўша давр ва одамларнинг ички кечинмалари, орзу-ўйларига ҳамоҳанг.

Ютуқлар, муваффақиятлар видеофильмнинг бадиий қиймати ва ижтимоий юкини янада ошириши, шубҳасиз. Лекин, айрим камчиликлар ҳам борки, уларсиз фильм янада гўзалроқ ва мукаммалроқ бўлиши мумкин эди. Бу ҳол баъзи миллий урф-одатларимизнинг европача талқинида яққол кўзга ташланади. Биламизки, ўзбек халқида тул қолган эркак ҳеч вақт дўсти билан бошлашиб, ўзига хотин қидириб юрмайди. Кўз остига олиб қўйгани ёхуд мўлжаллагани бўлса, яқин ошнадўстига шипшитади. Уларни совчи қилиб юборади. Видеофильмда эса икки эркак кўчама-кўча, уйма-уй кезишади. Устига устак йўлда тўсатдан учраган, замонавий кийимлар кийган, невараси тенги, энг муҳими нотаниш қизни дабдурустдан келинликка таклиф этишади. Ваҳоланки бунинг учун куёв бўлмиш ва унинг дўсти қариганда ҳам қуйилмаган, шилқимлар тоифасидан бўлмоғи лозим. Видеофильмдаги ҳар икки қариянинг эса ақлу-ҳуши жойида. Гапини ўйлаб гапиради. Клара Жалилова ижросидаги Ширмоной хушчақчақ ва очиққўнгил аёл. Лекин, унинг бу фазилатларига андаккина думбуллиги-ю, енгилтаклиги соя ташлаб туради. Маълум бир ёшга етган бева аёлнинг «эрга тегаман-чи, эрга тегаман, сенларга алам қилсин», деб кўксига муштлаши, келинлари билан жиққамушт бўлиши, келинларнинг эса «ҳали қайнонамизга уйланмоқчи эмасмисиз», дея отаси тенги қариянинг ёқасидан олиши ўзбекнинг табиатига асло тўғри келмайди. Шунингдек, фильм адоғида бош қаҳрамон — Абдукарим ота одамларга умрингизни безаб тургувчи қарзи ҳасанангиз борми, деб хитоб қилади. Бизнингча, бу сўзларни бошқа одам айтса ёки кадр ортидан берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу нуқсон ва камчиликларни истисно қилганда видеофильмнинг ғояси ва мақсади савоб юмуш — яхшиликни тарғиб қилишдан иборат. Чунки ҳаётда мисқолча қилинган яхши иш борки, мукофоти муқаррар. Ва аксинча мисқолча ёмонликнинг ҳам жазоси муқаррар. Шундай экан келинг, бир-биримизга ҳамиша ЯХШИЛИКНИ илиниб, ЯХШИЛИКНИ соғиниб яшайлик! ЯХШИЛИК умримиз безаги ва мукофотидир.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

НИЗОМИЙ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

2003/2004 ўқув йилига пуллик-тўлов шартнома асосида таълим тури, тили ва йўналишлари бўйича тавсия этилган абитуриентлар рўйхатини 2003 йил 23 август, 17 сентябрь ва 9 октябрда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилган эди. Шу абитуриентлардан бўш (вакант) қолган ҳамда қўшимча ўринларда Давлат тест маркази қайдномасида навбатда турган куйида келтирилаётган балларни тўплаган абитуриентларни пуллик-тўлов шартнома асосида танлаган йўналишлари бўйича ариза билан қабул комиссиясига мурожаат этишларини сўраймиз.

Таълим шакли — кундузги

Таълим йўналишлари	Баллар оралиғи
1001 – Математика ва информатика	115,30 дан 87,10 гача
1002 – Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими)	94,90 дан 62,10 гача
1004 – Кимё ва экология	153,40 дан 114,10 гача
1005 – Биология ва инсон ҳаётий фаолият муҳофазаси	152,40 дан 125,00 гача
1006 – География ва иқтисодий билим асослари	117,40 дан 83,40 гача
1007 – Ўзбек тили ва адабиёти	125,00 дан 102,10 гача
1015 – Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари	130,30 дан 109,60 гача
1018 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	103,60 дан 68,00 гача
1019 – Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология)	102,50 дан 56,70 гача
1021 – Педагогика ва психология	124,30 дан 90,70 гача
1025 – Инглиз тили	136,80 дан 102,40 гача
1026 – Немис тили	142,60 дан 79,40 гача
1033 – Тарих	122,40 дан 98,40 гача
1042 – Машинасозлик	87,90 дан 65,10 гача
1045 – Агрономия	138,70 дан 62,80 гача
1150 – Мусиқий таълим	114,90 дан 68,00 гача
1182 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	123,20 дан 66,20 гача
1275 – Амалий санъат	127,30 дан 68,00 гача
5201 – Қозоқ тили ва адабиёти	100,40 дан 59,50 гача

Таълим шакли — сиртқи

Таълим йўналишлари	Баллар оралиғи
1001 – Математика ва информатика	127,50 дан 87,80 гача
1002 – Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими)	108,10 дан 84,90 гача
1004 – Кимё ва экология	152,20 дан 95,40 гача
1005 – Биология ва инсон ҳаётий фаолият муҳофазаси	153,50 дан 118,50 гача
1006 – География ва иқтисодий билим асослари	123,20 дан 100,80 гача
1007 – Ўзбек тили ва адабиёти	118,70 дан 96,90 гача
1015 – Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари	145,70 дан 101,40 гача
1018 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	111,20 дан 84,60 гача
1019 – Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология)	112,10 дан 84,60 гача
1021 – Педагогика ва психология	121,90 дан 75,00 гача
1033 – Тарих	123,60 дан 91,10 гача
1042 – Машинасозлик	108,20 дан 77,50 гача
1150 – Мусиқий таълим	109,20 дан 68,00 гача
1182 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	122,30 дан 107,00 гача
1275 – Амалий санъат	127,90 дан 117,40 гача

Таълим шакли — махсус сиртқи

Таълим йўналишлари	Баллар оралиғи
1002 – Меҳнат таълими	75,30 дан 56,70 гача
1018 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	80,60 дан 56,70 гача
1150 – Мусиқий таълим	120,40 дан 63,70 гача
1182 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	114,30 дан 64,50 гача

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентларни ректор номига ёзма ариза билан 2003 йил 25 октябргача қабул комиссиясига шахсан мурожаат этишлари сўралади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 103-уй, университетнинг 4-ўқув биноси.
Қабул комиссияси телефон рақами: 55-70-27.

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

БИРЖА САВДОЛАРИГА УЗОҚ МУДДАТ ДАВОМИДА ҚЎЙИЛИБ, СОТИЛМАЙ КЕЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ НАРХЛАРИ ПАСАЙТИРИЛИБ, ҚАЙТАДАН САВДОЛАРГА ҚЎЙИЛМОҚДА.

Т/р	Объект номи	Объект манзили	Техник характеристикаси	Бошланғич нархи, сўм
1.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, «Хумоюн» даҳаси, 3а-уй.	481 кв.м.	9 791 800
2.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, Қорасу-2 мавзеси, 23-уй.	1 761 кв.м.	32 520 663
3.	Бино кисми	Сергели тумани, «Спутник» даҳаси, 9-мавзе, 61-уй.	461 кв.м.	5 055 515
	Бундан ташқари, савдоларга «Нур мажмуаси» ва қуйидаги қурилиши тугалланмаган объектлар ҳам қўйилмоқда			
4.	«Нур» мажмуаси	М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уй.	1 642.0 кв.м.	750 000 000
5.	Қурилиши тугалланмаган савдо-маиший хизмат блоклари	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси.	3 000.0 кв.м.	250 000 000
6.	Қурилиши тугалланмаган бинонинг «А» блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси.	6583.6 кв.м.	45 000 000
7.	Қурилиши тугалланмаган бинонинг «G» блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси.	6623.0 кв.м.	60 000 000
8.	Қурилиши тугалланмаган бинонинг «Н» блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси.	4109.0 кв.м.	145 000 000
9.	Қурилиши тугалланмаган бинонинг «К» блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси.	6568.9 кв.м.	130 000 000
10.	Қурилиши тугалланмаган бинонинг «D» блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси.	4203.6 кв.м.	425 000 000
11.	Қурилиши тугалланмаган бинонинг «Е» блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси.	6419.3 кв.м.	150 000 000
12.	Қурилиши тугалланмаган бинонинг «F» блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси.	6104.5 кв.м.	20 000 000

Шунингдек, савдоларда «Автомакон» ЁАЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар, «Юнусобод универсал бозори» ОАЖнинг А.Дониш шоҳобчасидаги, «Паркент бозори» ОАЖ, «Авиасозлар бозори» ОАЖ ҳудудларида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш куни «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ

Тошкент шаҳрида фуқаролик ишлари бўйича 8 таркибли Мирзо Улуғбек туманлараро суди учун қисқа муддатда 2 қаватдан иборат бўлган замонавий бинолар қуриш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида

танлов савдоси (тендер) эълон қилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун бинолар қисқа муддатда қуриб битирилиши назарда тутилганлигини инобатга олиб, сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Усмон Юсупов к., 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 41-16-37, 41-16-38, 144-54-08.

Минтақавий банк ўқув маркази жамоаси марказ ўқитувчиси, доцент Шавкат Ҳусайновга волидаи муҳтарамаси

АНОРА аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Тонг юлдузи» газетаси жамоаси бўлим мудири Феруза Одиловага волидаи муҳтарамаси

НАЗИРА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мактублар, таклифлар...

“Истеъдод - Яратгувчи томонидан суюкли бандаларига бериладиган неъмат, - деб ёзибди Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидан Абдуллажон Эргашев. - Шунинг учун у ноёб саналади, юз йилда бир дунёга келади, дейишади. Аммо исм-чи? Уям олдиндан одамнинг кўнглига солинадими ёки одам исмига мос инсон бўлиб етишадими? Тасодиф дея кўрманг. Унда нега қаҳқаҳанинг пирлари бўлган Юсуфжон қизиқ ва Охунжон қизиқларнинг фамилиялари Шакаржонов ҳамда Ҳузуржонов?»

Қизиқ, ўрганса бўладиган мавзу. Саҳифамизга ана шундай ажойиб ва ғаройиб фикрлар битилган мактублар сонининг ортаётгани бизни беҳад қувонтирмоқда. Шунингдек, “Улуғ адибларимизнинг дурдона асарларидан, тенгсиз қизиқчиларимизнинг ўлмас ҳангомаларидан бугунги ёш авлод бехабар эканлигини ҳисобга олиб, улардан ҳам бериб борилса соз бўларди”, деган таклифлар кўп бўлмоқда. Ўқувчиларимиз фикри, эътибори ва таклифи — бизга дастур. Уларни албатта бажарамиз. Бугунги саҳифамизда эса такрорланмас қизиқчимиз — Охунжон Ҳузуржоннинг ҳангомаларидан ҳавола этсак — эътиборли ўқувчиларимизга андак бўлса-да, жавоб берган бўламиз, дедик.

ОЛТИН КУЗ



Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.

Блез Паскал

БЕЗОВТА ЮРАК МАНЗАРАЛАРИ

Адабиётчилар Блез Паскални (1623-1662) файласуф сифатида танишса, математиклар уни ўз соҳаларининг таниқли мутахассиси деб билишади. Зеро, у бир қатор илмий назариялар устида ишлаш билан бирга илк бор ҳисоблаш машинасини яратган кашфиётчи. Фалсафий рухдаги асарлари эса ҳанузгача жаҳон китобхонлари томонидан севиб мутолаа қилинади.

“ Ақл ва ҳис-ҳаяжон инсонга хос хусусият. Унинг хатти-ҳаракатида баъзан ақл, баъзан ҳиссиёт устунлик қилади. Инсоннинг доимо яшашдан мақсад излаб, ўзи билан ўзи курашиб яшаши сабаби ана шундан”.

Бу фикрлар Паскалнинг ҳаётга нисбатан киноясии эмас, инсон руҳиятини англашга бўлган муносабати деб баҳолаш мумкин. Зеро, машҳур мутафаккирнинг ўзи ҳаёти давомида тақдирнинг кўп зарбаларига дуч келган.

Биз қуйида мутафаккирнинг “Ўйлар” асаридан олинган айрим афоризмларни ҳавола этяпмиз. Улар нигоҳингизни бир зум бўлса-да руҳиятингиз томон қарата олса, ажабмас.

Маърифатхона

* * *

Биз атрофдаги нарсаларга ҳар сафар бошқа томондангина эмас, бошқача кўз билан ҳам қараймиз. Шу боис уларни ўзгарибди, деб ўйлаймиз.

* * *

Тор фикрли одамлар доим майда нарсалардан хафа бўлишади, ақлли кишилар эса ҳамма нарсани сезиб, билиб туради, аммо ҳеч нарсадан хафа бўлмайди.

* * *

Рашк ҳар доим муҳаббат билан бирга пайдо бўлади, аммо у билан бирга ўлавермайди.

* * *

Шуниси қизиққи, биз билан ҳамма масалаларда келишадиган одамларнигина соғлом фикрловчи деб ҳисоблаймиз.

* * *

Баъзи одамларнинг феъл-атвори ўсимликларга ўхшайди: уларни фақат тасодифгина кашф этиши мумкин.

* * *

Одамлар ўзини гуноҳкор сановчи ҳақгўйларга ва ҳақгўй дегувчи гуноҳкорларга бўлинади.

* * *

Айрим одамларнинг бойлигига кўп ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Чунки улар бунинг учун соғлиқ, хотиржамлик, виждон, ғурурларини қурбон қилганки, сиз билан бизнинг “чўнтагимиз” буни асло кўтармасди. Булар бари биз учун жуда қиммат тушиб, фақат зиён кўрардик, холос.

* * *

Агар усталик билан фойдаланилса, баъзи камчиликлар фазилатдек ярқираб кўринади.

* * *

Муҳаббатнинг қудрати шундаки, у кўпчиликни олифтагарчиликдан, таннозликдан қутқаради.

* * *

Фикр унинг ифодачиси бўлган сўзларнинг жойлашувига кўра ўзгаради. Фикр сўзларга эмас, сўзлар фикрга жило беради.

* * *

Албатта, инсон фикрлаш учун туғилган. Унинг бошқа жонзотлардан асосий фарқи ҳам шунда. Ўзи ҳақида, яшашдан мақсади, умр мазмуни ҳақида фикрлаш — инсоннинг ҳаётдаги вазифаси.

Бироқ одамлар кўпроқ нималар тўғрисида ўйлайди, нималар учун қайғуриб, елиб югурадилар? Кўпроқ еб—ичиш, турли хил ўйин-кулгу, бекорчи эрмаклар, мансаб—мартабалар учун жиққамушт бўлиш. Аслида қирол бўлиш нима-ю ҳақиқий инсондек яшаш нималиги тўғрисида заррача фикрлаб кўрмайдилар.

Рустам БОЙТЎРА тайёрлади.

GURUNG

Умрбоқий ҳангомалар

Авжи қайтишда

Охунжон қизиқни Ўшга тўйга айтишибди. У пайтларда транспорт кам. Камолиддин деган ошнаси билан пиёда йўлга тушишибди. Бироз юришгач, Камолиддин гап қотибди:

— Йўлимиз бир, манзилимиз бир, тўртта оёқни ишлатишимиз шартми?

— Нима қилайлик дейсан? — сўрабди Охунжон қизиқ.

— Кел, навбатдан бирбиримизни кўтариб, иккита оёққа дам бериб кетамиз.

— Қанчадан кўтаришамиз?

— Бунинг йўли осон, — Камолиддин шумлиги тутибди. — Мана масалан, мен ашула бошлайман, тугагунча сен кўтариб борасан. Кейин алмашамиз.

Қизиқ рози бўлиб ошнасини кўтариб йўлга тушибди. Ошнаси узоқ қўшиқлардан “Фарғона тонг отгунча”ни бошлабди. Камолиддин ҳар қанча чўзсин, қайта-қайта нақоратини айтсин, бари-бир йўлнинг ярмига етмай қўшиқ тугабди.

Охунжон қизиқ ўртоғининг орқасига ўрнашиб, “қўшиғи”ни бошлабди: “На-на-най, на-на-най! Най-на-на-най!” Қува ўтишибди, Андижон ортда қолибди, Хўжаобод... Ўшга етиб боришибди ҳамки, “қўшиқ” жонивор тугай темасмиш. Терга ботган Камолиддин бўйнини жигириб сўрабди:

— Охун, бу қўшиғингнинг авжи ҳам борми? Қачон авжига чиқасан?

Охунжон қизиқ кулиб дермиш:

— Қўрқмай юравер, авжи қайтишда, авжи қайтишда!

Кўмгани кетяпман, кўмгани!

Охунжон қизиқ велосипед сотиб олибди. Уни кўрган ўртоқлари, “Ювайлик, ювайлик!” дейишиб, қизиқни ошхонага судрашибди. “Ювиб” чиқишса, яп-янги велосипеди ўрнида ғилдираклари қийшайиб кетган, эгарсиз, занжирсиз шалоғи чиққан бир нарса турганмиш. Ҳатто уни миниб ҳам бўлмасмиш. Охунжон қизиқ ноилож уни етаклаб йўлга тушибди. Ҳазилкаш ўртоқлари буни кўриб гап отишибди:

— Муборак бўлсин! Ҳа, ювайлик!

— Ювдик, ювдик! Энди уни кўмгани кетяпмиз, юраверинглар савобга шерик бўласизлар!

Ошналари бу гапдан қотиб-қотиб кулишиб, қизиқнинг велосипедини яширган жойларидан олиб чиқиб беришибди.

Эркагини отмайди

Илгари замонларда дайди итларни отиб кетадиган овчилар бўларкан. Юсуфжон ва Охунжон қизиқлар чойхонада аския қилиб ўтиришса, ана шунақа ит отадиганлардан иккитаси уларнинг олдига кириб қолибди. Энди, Юсуфжон қизиқниям лақаби ит, Охунжон қизиқникиям. Уларни кўриб Юсуфжон қизиқ шарт ўрнидан туриб, тўнининг ўнгири билан Охунжон қизиқни пана қилибди:

— Охун, жим ўтир. Ҳов, ит отадиганлар келиб қолди, сени пана қилиб турибман!

Охунжон қизиқ тўнининг ўнгирини четга суриб дермиш:

— Уста, ўзингизга эҳтиёт бўлинг, бугун пайшанба, эркагини отмайди!

Ўғри ўлганда ушлатади

Қизиқнинг велосипеди узоққа бормабди: бозорга кириб чиққунларича ўғри уриб кетибди. Охунжон ака мелисахонага қатнашни бошлабди. Ўзиям тўхтовсиз қирқ марта борибди-да! Натижа йўқ.

Бир куни қарашса Охунжон қизиқ йўл бўйидаги қабристонда ўтирганмиш.

— Тинчликми, Охунжон ака, бу жойда бемалол ўтириб қолибсиз? — сўрашибди йўловчилардан бири.

— Ўғрини ушлашларини кўрмоқчиман!-қизиқ жаҳл билан жавоб қилибди.

— Ие, ўғрини қабристонда ушлашадими?

— Ўғри ўлиб мана шу жойга келганда ушлашмаса, бу мелисаларинг, бошқа пайтда ушлашолмайди! — дермиш қизиқ.

Сарвар АЗАМАТ тайёрлади.

КЎНГИЛ

Роҳатой хола одатдагидек эрта уйғонди. Юзқўлини ювиб меҳмонхонага ўтди. Дастурхон бўғирсоғу, қуш тили, яна талай ширинликлар билан безатилган. Ахир бугун ҳайит айёми. Роҳатой хола хаёл сурганча қиладиган ишларини бир-бир режалаштирди. Ҳар галгидек аввал қайнона-қайнотасини кўргани боради. Сўнг ота-онасиникига ўтади...

Кўча эшиги жиринглаб холанинг хаёли қочди. Деворга осиғлиқ соатга қараб ҳайрон бўлди. Ким бўлди экан, саҳарлаб ?

Хола эринибгина эшикни очди. Ташқарида ён қўшнисининг кичик ўғли Фаррухбек турарди.

— Ассалому алайкум, опоқи.

— Ваалайкум ассалом, кел, ўғлим тинчликми?

— Ҳа, опоқи тинчлик.

Қатра

Сизни ҳайит билан табриклай дегандим. Намозга чиққандим ўша ердан тўппа-тўғри сизникига келяпман. Бу сизга, — Фаррух иссиққина ёпган нонни холага узатди.

— Вой опоқинг ўргилсин сендан, болам. Овора бўлиб нима қилардинг. Кел, ичкарига кир.

Улар меҳмонхонада анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Сўнг Фаррух ишлари кўплигини айтиб, мезбондан рухсат сўради.

— Майли, ўғлим, ҳа-я, бир оз шошма. — Роҳатой хола ичкари кириб, қўлида ялтироқ қоғозга ўралган ниманидир кўтариб чиқди.

— Бу, ажойиб қиссалардан иборат китоб. Кечагина сотиб олгандим. Китоб ёқтиришингни биламан. Шунинг учун ҳам буни сенга совға қилмоқчиман. Ол, ўғлим.

— Опоқи, доим менга шундай ажойиб китобларни совға қиласиза, раҳмат. — Фаррух уялибгина китобни қўлига олди.

— Сенга раҳмат, болажоним, эрта тонгдан кўнглимни кўтарганинг учун раҳмат,— Роҳатой хола қўшни йигитнинг орқасидан дуо қилганча, кўзларида ёш билан кузатиб қолди.

Холанинг ўша вақтдаги ҳолатини сўз билан тасвирлаш қийин. Буни фақатгина тирноққа зор, бефарзанд аёл қалби тушунишга қодир эди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Айбсиз айбдор

Янгисидан

Шаҳарнинг киндигида қўркам ва салобатли «Гўзаллик салони» муддатидан олдин қуриб ишга туширилибди. Очилиш маросими ҳам рисолагидек ниҳоятда тантанали тус олибди. Лента қирқиш, гуллар, мусиқа, зиёфат дегандай...

Бахтга қарши ўша кун кечга яқин шундай қаттиқ шамол турибдики... Эртаси куни туриб қарашса, ҳамду саноларга кўмилган «салобатли» бино ер билан битта бўлиб, тўкилиб ётибди!

Дарҳол нуфузли текшириш гуруҳи ташкил қилинибди. Сўроққа биринчи бўлиб Ғишт-ни таклиф қилишибди.

— Тўғри, мўртроқман! — дебди Ғишт ранги оқариб-қизариб. — Лекин, айб мендами? Аввало, айтишим керакки, яхши пишмаганман. Аммо бино девори нима сабабдан тўрт ғишт эмас, балки икки ғишт қилиб терилганига ҳайронман.

Иккинчи бўлиб михни сўроқ қилишибди.

— Айбимни қисман бўйнимга оламан! — дебди Мих ярим букилиб. — Чунки, қурилишда ярим жон бўлиб, мажбуран ишлаганман. Очиқ ҳавода, қор-ёмғир тагида ойлаб ётганингдан сўнг, занглаб, мадоринг қочиб қоларкан.

Шундан кейин навбати билан Тахта, Тунука, Арматура ... ва бошқаларни ҳам терговга чорлашибди. Барчалари бири қисирлаб, бири ғижирлаб айбларини бўйнига олишибди. Ҳамма мулзам, ҳамманинг кайфияти хуржун эмиш-у, биргина цемент ҳеч қандай ҳодиса рўй бермагандек бепарво ҳолда, ҳавони чангитиб юрганмиш...

Ниҳоят уни ҳам суҳбатга чорлашибди.

— Хўш, айбингни тан оламанми, ёки...

Цемент пинагини ҳам бузмабди.

— Менинг ҳеч бир айбим йўқ!

— Нега?

— Чунки, мен, умуман бу бино қурилишида қатнашмаганман!

Сиҳатгоҳ чирой очмоқда

“Турон” сиҳатгоҳида бўлганмисиз? Ҳар бир кишини гўзаллик, табиатнинг фусункорлиги билан ошно этувчи ушбу гўша пойтахтимизнинг энг баҳаво, сўлим масканида жойлашган. Эътироф этиш керак, сўнгги икки йил ичида мазкур оромгоҳда эътиборга молик ибратли ишлар, турли тадбирлар амалга оширилди. Сиҳатгоҳ ҳудудида шарқ меъморчилиги анъаналари ва европа андозалари асосида янги бинолар қуриб битказилди. Сув ҳавзалари, дам олиш ва овқатланиш хоналари қайта таъмирланди. Даволаниш хоналари энг янги замонавий тиббий асбоб - ускуналар билан жиҳозланди. Натижада сиҳатгоҳда дам олувчилар сони кескин ошди. Хуллас, “Турон”да бир марта дам олган киши Сочию Иссиқкўлга ёки хорижнинг донғи кетган дам олиш масканларига эмас, Тошкентга ошиқишлари, шубҳасиз.

Дилшод УСМОНОВ.



Сарвар УЗМОНОВ олган суратлар.

СУРАТЛАРДА: сиҳаттоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Жаҳон адабиёти дурдоналари

Бранислав НУШИЧ

МЕНИНГ ҚОБИЛГИНА БОЛАМ

Ҳажвия

Мен ўзимнинг ажойиб бир иқтидоримни тан олишим керакки, жуда кўп воқеаларни олдиндан айтиб бера оламан. Чунончи, уйланганимга беш ой тўлгач, яқин орада ота бўлишимни ҳис эта бошладим. Биринчи фарзанд — ўғил кўрдик. Ўғлим аввалида бола эмас — бир бало бўлди, ғалати-ғалати қилиқлар чиқара бошлади. У, масалан, мўйловимнинг тукларини битта-битталаб юлишдан шунақаям роҳатланарди, асти қўйинг. Мен бўлсам оғриқдан кўзимдан ёш чиқай-чиқай деб, тишимни-тишимга қўйганча чидаб берардим, негаки қайнонам, ота учун ўғли мўйловини юлгандан яхшироқ роҳат борми, дерди. Қайнонам, устига-устак, менинг кўпроқ “роҳат” қилишимни истаб, “Юл, юлавер!” деб гижгижлаб ҳам турарди.

Тўғри, бу ҳали бошланиши эди. Бундай пайтда кўпроқ онаси қарайди. Бир неча йил ўтиб, ўғлимнинг бўйи чўзилгач, унинг тарбияси ҳақида кўпроқ бош қотириш отасига, яъни менга ўтди.

“Бош қотириш” деганим шунчаки гап эмас: бошим ҳақиқатан ҳам қотиб қолганди.

Ўғлим бировларнинг деворидан ошиб юрганда мен у Ганнибал бўладию, Альп тоғларидан ошиб ўтади, деган хаёл билан ўзимни овутардим. Қўшниларникидан тухум ўғирлаб чиққанида, у буюк фотиҳ Наполеон бўлади, деб умид қилардим.

Аммо ўғлим кўп ўтмасдан шунақанги ҳунарлар кўрсата бошладики, мен на сиёсат ва на маданият соҳасида унинг ўхшашини тополмай ҳанг-манг бўлиб қолдим.

У масалан, яхши ёзлик пиджагимнинг этагини қирқиб, ундан байроқ ясабди. Бу байроқ остида бир қўшин тўплаб, уйимизни қуршовга олганича ҳужумга ўтди. Унинг қўшинлари на дераза, на полиз ва на бошқа нарса демасдан қалъани босиб олишиб, ғолибларнинг ҳаққи бор дея, ҳақиқий қирғинбарот қилишди, яъни жамики жўжаларимнинг бўйинларини шартта-шартта узиб ташлашди.

Турган гапки, бу воқеа менинг, аввало, ота сифатида, қолаверса, қурбон бўлган жўжаларнинг эгаси сифатида чуқур қайғуга солди.

Ўғлимнинг келажаги ҳақидаги ташвишлар мени энг аҳлоқли мураббийларимиздан бири, профессор, маориф бўйича кенгаш аъзоси, кўпгина ўқув программаларининг тузувчиси, бундан ташқари “Болани тарбиялашда оиланинг хизмати” номли 3 томлик асарнинг муаллифига мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

У мени ўтиришга таклиф қилди, аммо мен курсига энди ўтирай деган эдим ҳамки, даҳшатли ўкирди. Ўрнимдан сапчиб туриб кетдим ва бешармларча устознинг олдида орқамни силай бошладим.

—Ҳай, ҳай, ҳай!— деб ғўлдиради мураббий ҳижолат бўлиб. —Узр сўрайман, бу катта ўғлимнинг иши. Стулга игна санчиб қўйибди-я!

—Меҳмонларнинг курсидан сапчиб туришларини сизам тез-тез томоша қилиб тураркансиз-да? — сўрадим бир оз заҳрханда билан.

Мен навбатдаги саволимни энди такрорламоқчи бўлиб тургандим, ойнанинг эшиги жаранглаб синиб, оёғим остига туфли келиб тушди.

—Жовко!—мураббий сакраб ўрнидан туриб кетди.—Нима қиляпсан, жин ургур!

Синдирилган ойна остидан ёқимтой боланинг боши кўринди.

—Мен ойимга отяпман, у менга ширинликлар турадиган жавоннинг калитини бермаяпти.

—Уялмайсанми? Наҳотки менинг олдимда меҳмон борлигини кўрмаётган бўлсанг?

Бола каминага башарасини шунақанги буриштириб қарадики, гўё жавоннинг калитини унга мен бермаётгандай.

Ниҳоят, олим чуқур ўйга чўмди, сўнг болани қандай тарбиялашим ҳақида менга муфассал маъруза ўқий кетди, мазкур масала юзасидан танишишим лозим бўлган асар рўйхатини тавсия этди. Аммо рўйхат устознинг асарларидан бошланиб, улар билан тугарди.

Шу пайт кўчадан болалар дўмбирасининг овози эшитилди ва ижодхона деразаси олдидан элликка яқин бола аскарлардай саф тортиб ўта бошлади. Уларга буюк мураббийнинг ўғли қўмондонлик қилар, олдинда қизил читдан қилинган байроқ ҳилпирарди. (Худди шу пайт буюк мураббий деразанинг битта пардаси йўқлигини сезиб қолди). Ҳар бир аскар таёқ кўтариб борар, бошларида эса қоғоздан қилинган учбурчак қалпоқлар кўзга ташланарди.

Буюк мураббий болаларни бироз хотиржам томоша қилиб турди-да, кейин ранги бирдан оқариб, қалтироқ қўллари билан столининг тортмасини оча бошлади. Тортманинг бўмбўшлигини кўргач, даҳшатдан чапак чалиб юборди.

—Ҳаммаси, ҳаммаси тамом,— деди у йиғи аралаш. —Олти ой бадалида кечаси-ю кундузи муттасил ўтириб “Болани тарбиялашда отанинг роли” асаримни ёзган эдим.

—Жуда яхши, лекин мен тушунмаяпман, сиз нима учун?..

—Анови болаларнинг бошидаги қоғоз қалпоқларни кўряпсизми? — у қўли билан аскарларга имлади.—Ўғлим қўлёзмамни олиб, болаларга қалпоқ қилиб берибди!

Мен бировнинг устидан кулишга одатланмаганман. Аммо:

— Жаноб профессор, наздимда, ўғлингиз жуда қобилиятли болага ўхшайди. Келажакда балки яхши танқидчи бўлиб етишар. Чунки у ҳозирдан қалпоқ қилганга ўхшаш назарияларнинг душмани бўлади! — дейишдан ўзимни тиёлмадим. Бу сўзлардан кейин мен у билан хайрлашдимда, “Бўзчи белбоққа ёлчимайди”, деган мақолнинг нақадар ростлигига ишондим.

Саҳифа учун Саид АНВАР масъул.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 967. 22656 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.50 23456